

---

**Наврўз умумхалқ байрами шодиёналари ва халқ сайлига марҳамат!  
Ҳурматли Ўзбекистон тумани аҳолиси ва туманимиз меҳмонлари!**

Жорий йилнинг 19 март куни Яйпан шаҳридаги “Ўзбекистон” ўйингоҳида Наврўз умумхалқ байрами тадбирлари ва халқ сайли бўлиб ўтади.

“Олам нурга тўлсин сен билан, Наврўз!” деган бош ғоя асосидаги умумхалқ сайиллари ва байрам концерт дастури соат 13.00 дан бошланади.

Янгиланиш ва яшариш фасли тантаналари давомида кўплаб мазмунли томошалар, саҳналаштирилган тантанали маросим ҳамда элимиз ардоғидаги ёш ва таниқли санъаткорлар иштирокидаги байрам шодиёналарга барчангизни таклиф этиб қоламиз!

**Байрам тадбирларига марҳамат, азиз юртдошлар!**

2024-03-16 22:26:27